



# Халқ Контроли Амалда

НАЗОРАТЧИЛАР ЎЗ  
БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ  
ТЕЖАМАГАНЛИГИ  
УЧУН

«ВИСОТСТРОЙ»  
НАЗОРАТЧИЛАРИ ИЗЛАНИШДА

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ  
ЯНА КЕЛА БОШЛАДИ



Республика аҳамиятидаги пенсионер К. М. Ригит Ленин районининг ишчан жамоатчи назоратчиларидан бири.

СУРАТДА: К. М. Ригит.

М. Нуриддинов фотолари.

## КОНКРЕТ ТАДБИРЛАР АСОСИДА

Шаҳар халқ контроли комитети яқинда бўлиб ўтган йилда қўйилган назорат органлари юзасидан белгиланган тадбирларни қўриб чиқди. Шаҳардаги сановат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассасалардаги халқ контроли гуруҳлари постларига бўлган раҳбарликни янада яхшилаш, уларнинг ролини янада ошириш, ташкилий ишларни тубдан яхшилаш кўзда тутилди.

Хар ойнинг биринчи ҳафтаси сешанба кунларида район халқ контроли комитетларининг ўқувлари ташкил этилди. Машгулотларда улар партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари, Бутуниттифоқ, республика, область, шаҳар халқ контроли комитетларининг қарорлари билан танишдилар.

Район халқ контроли комитетлари ташаббуси билан ойда бир марта халқ контроли гуруҳлари, постлари бошқилари, бошланғич партия ташкилотли секретарларининг йилги ишлари ўтказилиб борилади. Бу йилги ишларда район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари иштирок этадилар.

Халқ назоратчилари ўз йилги иш ва семинарларида энг яхши гуруҳлар, постларнинг иш тажрибаларини ўрганиб борадилар. Шаҳар халқ контроли комитети тасдиқлаган бу чора-тадбирлар назоратчилар ишчанлигини оширишга, оммавий равишда ўтказилган рейд, текширишларнинг янада яхши натижалар беришига қаратилгандир.

## ҲАМИША ҲУШЁР

Халқ назоратчиларига меҳр-муҳаббат, ҳурмат қўзи билан қарайди. Улар иш процессида бирор етишмовчилик бўлса, дарҳол назоратчиларга мурожаат қилишади. Халқ мулкнинг содиқ посбонлари ишга аришадими, албатта, уша нуқсон тугатилди.

Буни мен бошқармада фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишлаган назоратчиларимиз тажрибасига асосланиб айтялман.

Ишлаб чиқариш маданиятининг кўнгилдагидек бўлиши меҳнат унвдорлигининг тобора ўсиб боришига иккинчи таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бунинг яхши тушунган жонқуярларимиз тез-тез текширишлар, рейдлар ўтказиб турадилар.

Яқинда биз қурувчиларнинг иш жойи, қурилиш майдонларидаги тозалик, тартиб-интизом қандай ҳолатда эканлигини аниқлаш мақсадида рейд уюштирдик. Назоратчилар объектларда бўлишида, текширишда 19 қаватли маъмурий бино қурилиши ва бошқа қатор объектларда қурилиш материаллари тартибсиз ра-

вишда ётгани қайд қилинди. Бундай тартибсизлик бинокорларни гайрат кўрсатиб ишларда ноқулайлик туғдирар, уларнинг бир мунча вақти фойдасиз ўтишига сабаб бўларди.

Биз рейд юзасидан аниқланган камчиликларини иккинчи участка раҳбарларига етказдик. Орадан кўп вақт ўтмай камчиликларга барҳам берилди. Бу билан, биринчидан, бир қанча қурилиш материаллари нобуд бўлиши олди олинган бўлса, иккинчидан, бинокорларнинг яхши ишларига учун қўлай шароит яратилди.

Бинокорларимиз қураётган объектларга турли корхона ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан қурилиш материаллари келиб туради. Ана шу материалларнинг сифатини текшириш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш, ортқисинини эҳтиёт қилиб сақлаш каби вазифалар ҳам назоратчиларимиз эътиборидан четда қолмаётди.

Бирор жойда хўжаликчилик йўли кўйилди-ми, жонқуярларимиз

ўша ерда ҳозир-у hozir. Улар иш жойларида у ёки бу нуқсонларни аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, камчиликларга барҳам бериш чораларини излайдилар.

Назорат ишида девонга воситалардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Посбонларимиз кўп қўли қуролдан тўлиқ фойдаланишлар. Текширишлар вақтида аниқланган камчиликлар девонга газетга саҳифаларида ўз инфодасини топиб боради. Аябдор шахсларга нисбатан қурилган маъмурий чоралар қўйилган бўлганда кўпчиликка етказилмоқда.

Меҳнат интизомининг бузувчилар, прогунчиларга қарши қатъий кураш олиб боришни ҳам назоратчиларимиз муқаддас бурчлари деб билидилар. Ҳа, улар ўз постларида ҳаминча сергаж.

Н. КИМ, бинокор қурилиш трестидagi 1-бошқарма халқ контроли гуруҳисининг раиси.

## ЖОНҚУЯР

Худойберди ака Муҳамедов ойна фабрикасида 15 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. У ўзининг тибиб-тичмаслигини, кунт билан ишлаши туфайли оддий ишчиликдан смена мастери даражасига кўтарилди.

Уста Худойберди ака жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У корхона халқ контроли гуруҳисининг ўринбосари. Яқинда назоратчининг ойна қатламларини

алюминлаштириш ҳақидаги қимматли таклифи корхонага қатта фойда келтирди. Худойберди аканинг ташаббуси билан ойна қўқувчи мослама янада таъомиллаштирилди. Қимматли таклиф ҳар ойда 28—30 килограмм қумуш қуқунини тежаб қолтириш имконини берди.

Худойберди ака иш фаолиятидан бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.



Сиз суратда кўриб турган бу қизлар 1-пардозлаш трестининг 31-пардозлаш бошқармасида сувоқчи бўлиб ишлади. Дугоналар М. Евдокимова (чапда), Г. Грамматичкова (о'ртада) ва С. Саидова (о'нгда) қурилиш объектларида меҳнат қилипти. Бу қизларнинг назоратчилик соҳасидаги ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

## БИНОКОР НАЗОРАТЧИЛАР

Трест халқ контроли гуруҳисининг раиси Я. Каминер билан суҳбатлашганимизда, у бинокор назоратчиларнинг халқ мулкни кўз қорачиқдек сақлаш йўлида қилётган кўпгина ибратли ишларини сўзлаб берди.

Барча қурилиш бошқармаларимизда, энг муҳим қурилиш участкаларида халқ контроли гуруҳисини постлари ташкил этилган. Бу гуруҳ ва постларга уюшган актив жамоатларимиз, қурилиш майдонларида, бажарилаётган ҳар бир ишнинг сифатли бўлиши, материаллардан ўз ўрнида фойдаланишда, бинокорларнинг унумли ишлаши учун қўлай шароитни муҳайё этишда жон қуйдирантилар.

Бинокор назоратчиларнинг фидокорлигини ана шу мисолларда ҳам яхши билсак бўлади. Саққизинчи бошқармада текшириш ўтказилганда асфальт ётқишида қўлланиладиган механизмдан фойдаланилмайвганлиги аниқланди. Бу огир иш процессининг қўл кучи билан бажарилиши меҳнат унвдорлигини пасайтириб юборган.

Қўнгилли назоратчилар текширишда аниқланган камчиликлар тўғрисида девонга газетга танқидий мақола ездилар. Газета танқидидан ўйинг, бошқарманинг баъзи бир масъулиятчи раҳбарлари ўзларига тегишли ҳулоса чиқаришди. Муҳим объектларни тиклашда ишлатилмайдиган асфальт ётқизувчи машина ва бошқа «чанг сосиб» ётган механизмлар тезда ишга туширилди.

Иккинчи бир мисолни олайлик. Трестга қарашли қурилиш объектларида бинокорларнинг нормал ишлаши, уларга меҳнатий-маънавий хизмат шароити кўнгилдагидек эмаслиги тўғрисида трест контроли гуруҳисига ташвишли сигнал тушди. Дарҳол сигнал юзасидан рейд уюштирилди. Назоратчилар текшириш натижасида объектлардаги вагон уйларида ҳам яхши ҳордиқ чиқариш мумкинлигини аниқладилар. Улар трест маъмуриятга қурилиш объектларида энг яхши шароитни вужудга келтиришга қаратилган кўрик-курс уюштириш ҳақидаги таклиф билан мурожаат қилдилар. Қимматли бу таклиф қўллаб-қувватланди.

Ташаббуснинг қаноти бор дегани куч гайрат ва билимларини сарфламақдалар.

Қ. ХАМРОЕВ.

## ҲАР ИШГА БОШ-ҚОШ

Электр механика устахонамиз коллективини республикадаги ишчиларнинг электрлаштирилган трансформатор, электр шафалари ва бошқа жиҳозларни қўллаб тайёрлаб бермоқда. Ишчиларимиз биринчи-кетини қўлга киритаётган муваффақиятлари эвазига ўтган йилнинг уч қаватли мобайнида сурункаста республика энергетика ва электрлаштириш министрининг Кўчма Қизил байроғини ўз қўлларига сақлаб келдилар, пул мукофотлари

ни олишга муяссар бўлдилар. Бу улкан зафарларда оз бўлса ҳам устахона назоратчиларининг муносиб улushi бор. Айниқса, уларнинг металлдан тежаб билан фойдаланиш, тайёр электр жиҳозларини буюртмачиларга етказиб беришдаги хизматлари катта бўлмоқда. Актив назоратчилардан Д. Дебелий, Г. Алихановлар тайёрланган махсулотларини эҳтиёт қилиб сақлашни текшириб кўридилар ва аниқланган камчиликларни ту-

гатишга қаратилган қимматли маслаҳатлар бердилар. Қаерда меҳнат ва давлат интизоми яхши йўлга қўйилган бўлса, уша жойда муваффақият кўрсаткичлари яхши бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг ҳисобга олиб, биз корхона маъмурияти, партия, комсомол, касабасоюз ташкилотларининг бирлашган йиғилишида меҳнат интизоми масаласини кўриб чиқдик. Шунингдек, техника хавфсизлигини намунали йўлга қўйиш учун тегишли чора-тадбирлар

бедиланди. Устахона ишчиларидан Э. Нурматов, С. Мустафоев ўртоқлар техника хавфсизлиги иши устидан назорат қилиб бормоқдалар. Назоратчиларимиз яқинда устахонанинг ишлаб чиқариш, молия-ҳўжалик ишлари бўйича тафтиш ўтказдилар. Текшириш натижасида йўл қўйилган бир қанча исрофгарчиликларини олди олди.

Жонқуярларимиз устахонада амалга оширилаётган ҳар бир ибратли ишга бош-қош бўлмоқдалар. Улар жамоатчилик соҳасидаги фаолиятлари билан халққа, ўз корхоналарига қўллаб фойда етказяётганликларини яхши билдилар.

Н. ГУЗЪ, республика электр-механика устахонаси халқ контроли гуруҳисининг раиси.

## ЎТҚИР КЎЗЛАР

«Главашкентстрой»га қарашли ётқичи қайта ишлаш заводи шахримизда тўхтовсиз қад кўтарётган қурилиш объектлари учун зарур бўлган материаллар етказиб бермоқда. Қайта ишловдан чиққан ётқич буюмларини мунтазам суратда ўз вақтида етказиб бериш ўз ўрнида бўлмайди, албатта. Бу ишни муваффақиятли бажаришда завод меҳнатсевар назоратчиларининг муносиб хиссаси бўлмоқда. Гуруҳа ўз атрофида 35 нафар актив назоратчинини бирлаштирган.

Корхонада бўлган ишни тибиб-тичмас назоратчилар ҳақида қўллаб қўллаб турганларини эшитиш мумкин. Ўтқир кўзларнинг астойдил ҳаракати туфайли давлатнинг қанчадан-қанча маблагини, материалларни тежаб-тергаб қолтиришда.

Тайёр буюмларни эҳтиёт қилиб сақлаш иши ёмон аҳволда эканлигини пайқатган назоратчилар дарҳол унинг олдини олиш йўлига тушдилар. Баъзи бир шех бошқиларига йўл қўйилган камчиликлар ётиги билан тушунтирилди. Назоратчиларнинг ишга аралашини бу нуқсонни тугатишда катта роль ўйнади.

Нима бўлди-ю, заводга белгиланган миқдордан кам ётқич келадиган бўлиб қолди.


Бу кўнгилсиз ҳол коллективнинг барча аъзоси қатори назоратчиларни ҳам ташвишга солмасдан қолмади. Халқ назоратчилари дарҳол таъминот ишидаги бу чингаллик сабабини аниқлашга киришдилар.

Атрофича суриштирилиб қўрилганда, республикамиз қурилишлари учун Сибирда етарли миқдорда ётқичлар ҳозирланар экан-у уларни ташиб келтириш учун баъзи бир шахсларнинг айби билан зарур бўлган вагонлар ажратилмасдан келинаркан. Жонқуяр назоратчилар бу камчиликни тугатиш учун «Узглавспромстрой» ташкилотига мурожаат қилдилар. Уларнинг илтимоси қондирилди.

Гуруҳа амалга ошираётган ибратли ишларида С. Манов, Л. Миленина, К. Шаломов каби назоратчиларнинг муносиб хиссаси бўлмоқда. Жонқуярлар ишлаб чиқаришдаги қанча даражада топширининг шарф билан бажаришда ҳам ўз ҳаммасларига ибрат бўлмоқдалар, улар эътиборини қозонмоқдалар.

Т. ЭРГАШЕВ.

## ФОТОАЙБНОМА



Урта Осий темир йўли Тошкент товар станциясида ҳар кунини ўз вақтида олиб кетилмаган юзларча тонна турли халқ хўжалиги юзларини кўриш мумкин. «Ирсовхозстрой», «Узглавхимснабсит» ва «Ташкилстрой» каби ташкилот ва базалар ўз юзларинини вақтида олиб кетмай катта жаримлар тўламоқдалар. СУРАТДА: ўз вақтида олиб кетилмаган юзлар.

## Тежамкорликка эътибор берилсин

«Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон»,— дейишади. Чиндан ҳам шундай, ҳар бир материалдан, ҳом шивдан тежаб-тергаб, ўз ўрнида фойдаланишга ҳимма етсин. Партия ва ҳукуматимиз ана шу муҳим ишга катта эътибор билан қарам оқда. Сановат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш муассасалари қўшида жамоатчилик асосида самарали иш олиб бораётган тежамкорлик комиссияларининг ҳам бутун фаолияти ана шу эъзу мақсадга қаратилган.

Яқинда шаҳар халқ контроли комитети йирик панелли 2-ўйсозлик заводи ва 5-ғишт заводлар бошқармасида тежамкорлик борасидаги амалга оширилаётган ишлар билан танишиб чиқди. Халқ назоратчиларини бу корхоналарда электр энергиясида қандай фойдаланилаётганлиги масаласи кўпроқ қизиқтирди.

Текширишдан маълум бўлишича, йирик панелли 2-ўйсозлик заводида электр қувватидан унумли фойдаланишдек муҳим ишга етарли эътибор берилмасдан келинмоқда. Маъжуд трансформаторлар кучидан, электр энергиясининг қўшиқча манбаларидан етарли фойдаланилмайвган экан.

Цехларда энергия қувватидан фойдаланиш бўйича илмий жиҳатдан асосланган мавжуд нормативлар шу куннинг талабига тўлиқ жавоб бермайди. Электр қувватини тежаб бўйича вақти-вақти билан цехларо кўрик-курслар ўтказиб турилмайди деса бўлади.

Бешинчи ғишт заводлари бошқармасида эса бундан ҳам ёмонроқ аҳволни кўриш мумкин. Бу ерда электр жиҳозларининг асосий қисмини кўнгилдагидек ишлатилмаётди. Иш процессидаги баъзи операцияларни бажариш мобайнида қўлгана электр қуввати исроф бўлишига йўл қўйилмоқда. Ғишт пиширидангача ишлатилиш устидан етарли назорат ўрнатилмаган.

Йирик панелли 2-ўйсозлик заводи, 5-ғишт заводлар бошқармаси қўшиқча халқ контроли гуруҳлари (раислари В. Петрухин, М. Солеников ўртоқлар) бу соҳадаги камчиликларга лоқайдлик билан қараб келмоқдалар. Юз берган нуқсонларни тугатиш йўллари изламаётдилар.

Электр қувватидан унумли фойдаланишда мавжуд камчиликларга йўл қўйганликлар учун йирик панелли 2-ўйсозлик заводи бош инжениери Ю. Радзивиловскийга қаттиқ ҳайфсан. 5-ғишт заводлари бошқармасининг директори З. Тешабоева ҳайфсан эълон қилинди. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар тугатилиб, шундан кескин бурниллаш ясалмаса, қаттиқ маъмурий чора қўрилиши таъкидлаб ўтилди.

## «ТОШКЕНТ ОКШОМИ»ДА «Босилгандан кейин»

Шу сарлаҳда остида газетамизнинг утган йили 29 октябрь сонидега босилган материалда аҳолига Тошкент минерал суви етказиб беришдаги сансозларлик, сувнинг қўшнча етарли миқдорда газлаштирилмаётганлиги ва унинг танқислиги таққид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигидан жавоб олинди. Унда кўрсатилганича, газета танқиди турғи деб топилди. Мақола министрлик коллежисада муҳокама қилинди. Минерал суви етказиб беришни соатига 6 минг ишша сув қуядиган

автомат линия ўрнатилди. Айрим цехлар қайта реконструкция этилди, бинокор ремонтдан чиқарилиди. Бундан ташқари, аҳолини минерал сув билан тўқатиш таъминлаш мақсадида қиш ойларда запас минерал сув тайёрлаб қўйилди.

## «Тошкент минерал сувидан ичинг»



